
Тошлоқлик фермер пахта режасини ортиғи билан бажарди

Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги “Комилжон ота зиё” фермер хўжалиги аъзолари пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда яхши натижаларга эришиб келмоқда.

- Ўтган йили 102 тонна ўрнига 120 тоннадан ортиқ пахта топшириб, режани анча ошириб бажарганмиз. Бу йил ҳам катта мақсадларни кўзлаб меҳнат қиляпмиз , - дейди “Комилжон ота зиё” фермер хўжалиги раҳбари Шукрилло Миллабоев.

Фермер хўжалиги аъзолари Раъно Умрзоқова, Саида Мансурқулова, Зарифа Эргашева ҳамда Барно Тешабоева каби илғорларнинг ғайрат-шижоати ҳаммага ибрат бўлмоқда.

- Жамоамизда 46 нафар ишчи ва хизматчи бор, - дейди теримчи Барно Тешабоева. - Улар учун ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиб берилган. Илғорлар ўз вақтида рағбатлантирилиб бориляпти. Ҳар куни 150-200 килограммдан пахта териб, “оқ олтин” хирмонини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдамиз. Терим пуллари вақтида бериляпти.

Хўжалик пахтакорлари қабул пунктларига режадаги 104 тонна ўрнига 110 тонна режани ортиғи билан бажарди.

2020-09-21 17:06:19